

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

70910209 - «НЕВРОЛОГИЯ» мутахассислиги
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент - 2021

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Тиббиёт олий таълим муассасалари

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишида маъқулланган.

2021 йил «16» август даги 11 - сонли баённома.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил «31» август даги 217 - сонли буйругининг 2 иловаси билан тасдиқланган

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>709102209-Неврология</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсиф.....	4
1.1	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>709102209-Неврология</i> магистратура мутахассислиги малака талабини қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2	<i>709102209-Неврология</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи.....	4
1.2.1.	<i>7709102209-Неврология</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>709102209-Неврология</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>709102209-Неврология</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>709102209-Неврология</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий вазифалари.....	5
2.	<i>709102209-Неврология</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар	8
	Келишув вараги.....	9

1. 709102209-Неврология-магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

709102209-Неврология мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 3 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 709102209-Неврология - магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. 709102209-Неврология Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 709102209-Неврология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 709102209-Неврология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

709102209-Неврология магистратура мутахассислиги – Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими, малака ошириш, қайта тайёрлаш муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, илмий-тадқиқот марказлари, давлат бошқаруви органлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика муассасаларини ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 709102209-Неврология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

– тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

– жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркеклар;

– соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика бўйича давлат ва хусусий муассасалар, вилоят, шаҳар, туман даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслар;

– илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари, тиббий ёрдам хизматларига эга бўлган хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

– илмий тадқиқот жараёни;

– ўқув жараёни.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

– илмий-тадқиқот фаолияти;

– ташхислаш ва профилактик фаолият;

– тиббий-ижтимоий фаолият;

– ташкилий-бошқарув фаолият;


– тиббий-ижтимоий;

– олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади шу кабиларни ўз ичига олади

1.2.4. 709102209-Неврология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

709102209-Неврология мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:



Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш, янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш.

Даволаш ва профилактик фаолиятда:

- беморларда ички аъзолар касалликларини аниқлаш ва (кам инвазияли усулларни қўшиб) даволаш;

- тезкор ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис-терапевт сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш;

- кенг тарқалган терапевтик касалликларни камайтириш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- бозор иқтисодиёти шароитида тиббий жамоаларни бошқаришни илмий ва амалий асосда ташкил қила билиши;

- ахборот ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган бўлиши;

- узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус ва тиббиёт коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этиш бўйича гуруҳларни бошқариш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Тиббий-ижтимоий фаолиятда:

- соғлиқни сақлашда ижтимоий тадқиқотлар услубларидан фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзидан келиб чиқувчи муаммолар бўйича турли хил стратегик режа ва дастурлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш йўлларини белгилаш ва ечимлар қабул қилиш;

- ижтимоий муассасаларда юзага келувчи тиббий-ижтимоий низо ҳолатларидан чиқиш, ечиш, уларни бошқариш, ҳолатни баҳолай олиш;

- ижтимоий ҳимоя органлари ва раҳм-шавқат хизматлари билан ҳамкорликда оила ва алоҳида аҳоли гуруҳларига ижтимоий-гигиеник, тиббиёт-демографик ва ижтимоий-психологик таҳдид омилларини ҳисобга олган ҳолда хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда

тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассисликлар бўйича соғлиқни сақлаш тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

2. 709102209-Неврология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний кадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий-тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, услубларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашув шаклланган бўлиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- марказий ва периферик асаб тизимининг патологияларининг нозологик шакллари ва уларнинг белгиланиши;
- неврологик касалликлар натижасида ногиронлик гуруҳини аниқлаш ва сабабларини билиш, ишга лаёқатлигини аниқлаш;
- турли хил марказий ва периферик асаб тизимининг касалликлари бор беморларни диспансеризацияси услубини қўллаш;
- тиббиёт ҳужжатларини тўғри олиб бориш;
- беморларни реабилитация усулларини билиш;
- бош мия, орқа миявапериферик нерв системасининг қон томир касалликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- неврологик текширув ўтказишни;

- марказий ва периферик асаб тизимини анатомио-функционал хусусиятлари: асаб тизимини онтогенез ва филогенези, асаб хужайрасини морфологияси, периферик нервнинг тузилиши, орқа мияни морфофункционал хусусияти, орқа мия зарарланиш синдромлари, бош мия устунни морфофункционал хусусияти, зарарланиш синдромлари (устунни альтернирлашган синдромлари), тузилиши, функционал хусусиятлари, бош мия катта ярим шарлар пўстлогини цитоархитектоникаси (Бродман бўйича чизиқлар, олий мия функцияларининг жойлашиши), орқа ва бош мия қобикларини тузилиши ва функционал характеристикаси, марказий асаб тизимини ангиоархитектоникаси;

- ҳаракат сфераси ва унинг зарарланиши: пирамида тутами йўлининг морфофункционал тузилиши, текшириш усуллари ва зарарланиш синдромлари, экстрапирамидал тутам йўлининг морфофункционал хусусиятлари, текшириш усуллари ва зарарланиш синдромлари, миячанинг тузилиши ва функционал хусусиятлари, текшириш усуллари ва зарарланиш синдромлари;

- сезги сфераси ва унинг зарарланиши: периферик рецепторлар тузилиши ва функцияси, оғрик ва температура сезги йўллари, текшириш усуллари ва зарарланиш синдромлари, чуқур-тактил сезги йўллари, текшириш усуллари ва зарарланиш синдромлари, сезги бузилиш тури ва семиотикаси, рефлекслар ва уларнинг бузилиши, физиологик рефлекслар, рефлектор халқа, рефлекслар классификацияси, текшириш усуллари ва уларнинг диагностика учун ахамияти, патологик рефлекслар;

- бош мия нервлари: анатомио-физиологик хусусияти ҳидлов, кўрув, кўз ҳаракатлантирувчи, уч шохли, юз, даҳлиз-чиганок, тил-ютқун, адашган, кўшимча, тил ости нервларнинг зарарланиш симптомлари, мия устунининг зарарланишида альтернирлашган синдромлар, бульбар ва псевдобульбар синдромлар;

- олий мия функциялари ва уларнинг бузилиши;

- вегетатив нерв тизими ва зарарланиш синдромлари: сегментар ва сегмент усти қисмларининг тузилиши ва функцияси, зарарланиш симптомлари, симпатик ва парасимпатик қисмларнинг функционал хусусиятлари, зарарланиш симптомлари, текшириш усуллари;

- клиник неврологияда функционал текшириш усуллари: электроэнцефалография, электро нейромиография, эхоэнцефалоскопия, реоэнцефалография, ультратовуш доплерография, рентгендиагностика, компьютер томографияси, магнит резонанс томография, ликвородиагностика, брахиоцефалтомирларнинг ультратовуш доплерография натижаларини интерпретация қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- касалларни клинко-неврологик текшириш ва анамнез йиғишни юқори даражада ўтказиш, турли неврологик касалликларда беморларни юксак даражада олиб бориш ва кузатиш;

- текширув ҳажмини аниқлаш билан дастлабки ташхисни шакллантириш;


- зарурдаво-диагностик муолажаларни танлаш, реанимацион чораларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

зарур тиббий ҳужжатларни олиб бориш (амбулатор карта, касаллик тарихи)

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55



Таянч сўзлар:

Далилларга асосланган тиббиёт, тадқиқот усуллари, аналитик тадқиқотлар, когорт, ходиса - назорат, рандомизация, нисбий хавф, шанслар нисбати, сифат, сифатни ошириш тамойиллари, концепциялари, менежмент, менежер, бошқарув, етакчилик, ташкилот, мотивация, нормал анатомия, патологик анатомия, оператив хирургия, топография, метаплазия, аутопсия, гистология, физик текширув усуллари, компьютер томография, ультратовуш текширув усуллари.

Асаб кассалликлари, неврология, бош мия, орка мия, периферик нерв системаси, б марказий нерв системаси, вегетатив нерв системаси, топик диагностика, нейро-дегенератив кассалликлар, асаб тизми усмалари, асаб тизми яллигланиш кассалликлари, сушт кечувчи инфекциялар, наслий кассалликлар.